O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 28 март, №69 (3181) Жума

Олий Мажлисда

## Фермер эркин бўлса...

### бунинг учун қонун ишлаши керак

Фермерлик... Бу сўз баъзиларга хум тўла тилло дегандай эшитилиши мумкин. Аслида у бир кафт буғдойни бир пуд қилгунига қадар не бир кунларни бошдан кечирмайди, дейсиз. Кузнинг инжиқ, қишнинг қаҳратон, баҳорнинг қуёшли кунларини бармоқ букиб санайди. Пешонасидан реза-реза тер марваридга айланиб, тупроққа томмас экан, у ҳаловат топмайди. Шу боис у бугун заминнинг асл хўжайини сифатида эътироф этилиб, ҳуқуқлари қонунларда муҳрланмоқда. Хўш, айни пайтда ушбу қонунлар қандай ижро этилмоқда? Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шу саволга жавоб изланди. Унда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги ижроси муҳокама этилди.

Маълум бўлишича, ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида 4453 та, Самарқанд вилоятида 8573 та ва Жиззах вилоятида 10018 та фермер хўжалиги ташкил этилган.

Давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи Машина трактор парклари (МТП), «Ўзқишлоқхўжаликкимё» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси, республика тижорат банклари ҳудудий бўлимлари томонидан шартномавий хизматлар кўрсатилмоқда.

Бироқ йиғилишда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ижросини ўрганишда Сирдарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги барча туманларда ҳам қонун талабларининг бир хилда таъминланмаётганлиги алоҳида таъкидланди. Ташкил этилган фермер хўжалигига ер майдони ажратиш масалалари бўйича туман комиссиялари етарли даражада иш олиб бормаган. Сирдарё вилоятидаги Сайхунобод, Мирзаобод, Шароф Рашидов, Гулистон, Самарқанд вилоятидаги Каттақўрғон, Пойариқ, Булунғур, Нуробод, Қўшработ, Жиззах вилоятидаги Жиззах, Зарбдор, Арнасой ва Мирзачўл туманлари ҳокимларининг қабул қилган қарорлари Қонуннинг 6-моддаси талабларига зид эканлиги аниқланган. Айрим ҳолларда туман ҳокимликлари, туман комиссиялари ва ширкат хўжаликларининг айби билан фермер хўжаликларига ер бериш тартиби – Қонуннинг 9 ва 10-моддалари бузилиб, фермерларнинг норозиликларига сабаб бўлган. Натижада адлия ва суд органларига мурожаатлар сони йилдан йилга ортиб бориб, Сирдарё вилоятида 2001 йилга нисбатан 2002 йилда 36 фоизга ошган. Самарқанд вилоятида 2002 йил давомида 392 та, Жиззах вилоятида бу кўрсаткич 145 тани ташкил этган.

Энг ачинарлиси, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қайта ишловчи ва сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар манфаатлари кўпроқ инобатга олиниб, фермерлар ҳақ-ҳуқуқлари эса тўла акс эттирилмаган. Оқибатда фермер хўжаликлари томонидан хизмат кўрсатиш, етиштирилаётган маҳсулотларга нарх белгилаш, уларни реализация қилиш, харид этилган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш ва уларнинг ижросида Қонуннинг 25-моддаси талаблари ўз вақтида бажарилмай фермерларнинг ҳуқуқлари бузилган.

Шунингдек, вилоятларнинг қатор туманларидаги фермерларга фонд бўйича ажратилган дизел ёнилғиси, бензин, минерал ўғитлар, озуқа ва бошқа материалларни олишда қатор камчиликлар аниқланди. Чунончи, Самарқанд вилоятидаги ҳудудий нефть базалар ва уларнинг бўлимлари билан 2002 йил учун 6960 та фермер хўжалиги шартнома тузган. Лекин шартнома талаблари дизел ёнилғиси бўйича 34 фоизга, бензин эса 53 фоизга бажарилган, холос. «Қишлоқхўжаликкимё» акционерлик жамияти Жиззах туман бўлими, Зарбдор туман пахта тозалаш корхонаси, «Дўстлик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги натижасида фермер хўжаликларига катта миқдорда моддий зарар етказилган.

Хўш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун нима қилмоқ керак? Қандай йўл тутилса, қандай тадбир қўлланилса, қонун ижроси тўлиқ бажарилади? Йиғилишда ана шу саволлар кўндаланг қўйилди. Депутат ва мутахассислар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазалари бидан ўртоқлашишди. Тавсиялар ишлаб чиқилди. Ва, қўмита кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Изланганга толе ёр



*Баҳорнинг кеч ёки эрта келганлигини деҳқончалик қалбан ҳис қиладиган киши бўлмаса керак. Шу боис унинг учун баҳорнинг ҳар куни эмас, ҳар дами ҳисоб-китобли, ғанимат. Чунки баҳорнинг бир куни деҳқон учун йилга татийди. Яхши ният билан далага кетмон кўтариб чиққан, ризқ-рўз уруғини ерга қадаш тараддудида юрган деҳқон оёғининг бир учи далада бўлса, нигоҳи доимо кўкка қадалган. Уфқдан зар кокилларини ёзиб, қуёш бош кўтарса, у биринчи навбатда ерни эмас, деҳқон қалбини иситади.*

## Кўкламни шоширган кишилар

Айни кунларда Тошлоқ туманининг қайси бир қишлоғида бўлманг, бунёдкорлик юмушлари билан банд бўлган кишиларни учратасиз. Очиғи, бундан атиги уч-тўрт йил аввал ҳам пахта тайёрлаш режаларини бажариш ҳақида гап кетса, оқсаётганлар сафида тошлоқликлар ҳам тилга олинарди. Энди қолоқликка барҳам берилиб, соврин тошлоқлик пахтакорларга насиб этаяпти.

— Ютуқларнинг боиси деҳқончиликка, хусусан, пахтачиликка истиқболли усуллар, фан ютуқларини дадил жорий қилишимизда, — дейди туман ҳокими Холматжон Комилов. — Мана учинчи йилдирки, қўшни андижонликлар билан ўзаро тажриба алмашиб ишлаяпмиз. Агар 2001 йилда бор-йўғи 1100 гектар ерда плёнка остига чигит қадалиб, йиллик режа аранг бажарилган бўлса, ўтган йили жами экин майдонининг 40 фоизи, яъни 3200 гектар майдонга илғор технология асосида уруғ қадалди. Натижа чакки бўлгани йўқ. Вилоятда биринчилардан бўлиб довон ошдик. Ҳосилдорлик ҳам 35 центнерга етиб қолди. Бу ютуқларнинг қўлга киритилишида Андижон технологиясини кенг қўллаганимиз қўл келди.

Бу йил тошлоқликлар андижонликлар тажрибаси асосида яна бир янгиликни дадил қўллашяпти. Туманнинг сизот сувлари яқин, нам кўпчиб турган ерларига капсулланган, яъни чигит қобиғига махсус дорилар, минерал тузлар билан ишлов берилиб экилмоқда. Бу усулнинг аҳамияти ҳақида икки оғиз сўз. Чигит қадалгач, ёғингарчилик кўп бўлса ёки узоқ вақт ҳаво айниб, булут тарқалмаса, у чириб кетиши мумкин. Капсулланган уруғлик эса намли тупроқда узоқ туради. Сабаби бундай чигит қобиғидаги минерал ўғитлар, тузлар уни чиришдан сақлаб, керакли ҳароратни ўзида тўплагунча ҳимоя қилиб туради. Чигит ерга бақувват илдиз отиб боради.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

### 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақи ҳисобидан табақалаштирилган миқдорларда ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилсин.

2. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг суммаси меҳнат ҳақи фондига қўшилиши ҳамда иш ҳақи (пенсиялар) тўланадиган муддатларда тўланиши белгилаб қўйилсин.

3. Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ушбу Фармонга мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини жорий этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаш манбаи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари механизми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида" 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонининг 6-банди ва 3-иловаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 2002 йил 30 майдаги ПФ-3079-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбоши ва 4-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 март.

## Семинар иш бошлади

Кеча пойтахтимиздаги Бизнес марказида «Японияда солиқ тизими» мавзусида халқаро семинар иш бошлади. Республика Молия вазирлигининг Солиқ-бюджет сиёсати маркази ва Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда ташкил этилган ушбу анжуман уч кун давом этади. Унинг иштирокчилари кунчиқар мамлакатда солиқ тарихи, корхоналардан солиқ олиниши, солиқ маъмуриятининг структураси ва Осиё давлатларининг чет эл сармоясини жалб этишдаги тажрибаси тўғрисида маълумотларга эга бўлишади.

**Ҳосил КАРИМОВ.**

## Бизнес олами эътибори — Тошкентда




Хабарингиз бор, шу йил 4-5 май кунлари Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳрида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар Кенгашининг 12-йиллик йиғилиши ва унинг доирасида Бизнес-анжуман бўлиб ўтади. Ушбу тадбирларда жаҳоннинг кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлари, йирик трансмиллий корпорация ва компаниялар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, тадбиркор-ишбилармонлар ва жамоат арбоблари иштирок этадилар. Анжуманнинг ўзига хослиги ва ноёблиги шундаки, у Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб айнан бизнинг республикамиз пойтахтида ўтказилади.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига кўра, ЕТТБ Бошқарув Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Бизнес-форумнинг тезкор ва муносиб тарзда ёритилишини таъминлаш мақсадида доимий ишловчи Матбуот маркази ташкил этилди. У Миллий матбуот маркази биноси (Навоий кўчаси, 16-уй)да фаолият юритмоқда. Таниқли журналист Шерзод Қудратхўжаев раҳбарлик қилаётган мазкур Матбуот марказида ҳар ҳафтанинг пайшанба куни Ўзбекистоннинг ҳукумат, давлат, банк ва бизнес тизимларида фаолият юритувчи вакиллар иштирокида матбуот анжуманлари ўтказиб турилади. Ҳамиша жамоатчилик учун очиқ бўлган матбуот марказининг кеча бўлиб ўтган тақдимот анжуманида ЕТТБнинг Ўзбекистондаги бошқарувчиси, Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов меҳмон бўлди.

Таъкидландики, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) халқаро бизнес оламидаги энг йирик ва нуфузли молиявий ташкилотлардан биридир. Ушбу банк Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан 1990 йил 29 майда тузилган. Дунёдаги 60 та мамлакат, шунингдек, Европа Иттифоқи ва Европа Инвестиция банки унинг таъсисчилари ҳисобланади. Ўзбекистон 1992 йилнинг 30 апрелидан ана шу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлса, унинг республикамиздаги ваколатхонаси 1993 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз бу банкнинг 42 миллион евро қийматидаги 4200 та акциясига эгадир. Ўтган давр мобайнида юртимизда ЕТТБ иштирокида 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 20 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу маблағнинг 723,8 миллион доллари ЕТТБ ҳиссасига тўғри келди. Ҳозирги кунда эса яна 320 миллион долларлик 8 та лойиҳа бўйича ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

ЕТТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятига бевосита тўхталадиган бўлсак, унинг асосий эътибори мамлакатимиз иқтисодиётидаги хусусий секторни ривожлантириш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига кредитлар ажратиш, шунингдек, бозор инфратузилмасини тараққий эттириш каби вазифаларга қаратилгандир.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки йиллик йиғилишининг Тошкентда ўтказилиши эса Ўзбекистоннинг халқаро молия ҳамжамияти доирасидаги мавқеи ва нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАКА БЎЛСИН – СУТ БЕРСИН

*Бугунги кунда Ироқда амалга оширилаётган ҳарбий операциялар билан бир қаторда телевидение, радио ва матбуот, интернет саҳифаларида турли сиёсий манфаатларни кўзлаб олиб борилаётган "ахборот уруши" ҳам давом этмоқда.*

*Бу жараёнда кимдир инсоният ва унинг келажаги ҳақида қайғурса, кимдир мана шу фожиалардан ўзи учун сохта обрў топиш йўлида фойдаланишга уринмоқда. Ҳаттоки бу урушда айрим оммавий ахборот воситалари холислик у ёқда турсин, оддий мантиқ талабларини ҳам бир четга йиғиштириб қўйгандек туюладики, буни кўриб беихтиёр ёқа ушламоқдан ўзга иложингиз йўқ.*

Лукма

Гапни чувалаштириб ўтирмасдан, ана шундай нашрлардан бирига назар ташлайлик.

Ёдингизда бўлса, шўролар салтанатининг сўнгги йилларида собиқ Марказда чоп этиладиган йирик газеталардан бири ўзини гўёки демократия байроқдори деб эълон қилиб, коммунистик тузум мафкурасини фош этишни касб қилиб олган эди. Во ажабки, бугун шу нашр ўша вақтда демократиянинг илдизига болта урмоқчи бўлган ГКЧП ташкилотчиларидан бири, собиқ СССР мудофаа вазири маршал Д.Язовни ҳарбий масалалар бўйича ўзига эксперт-маслаҳатчи қилиб олибди. Бундан ҳар қандай одамнинг ҳам ақли шошади: нима бало, шонли совет маршали бир думалаб демократ бўлиб қолдими ёки газетанинг ўзида бирор ўзгариш рўй бердими?

Газета Ироқ воқеаларини ёритар экан, бу "улуғ саркарда"нинг "ироқликлар Сталинград остоналаридаги бизнинг жангчиларимизга жуда ҳам ўхшаб кетади", деган сўзларини оғзидан бол томиб такрорлайди. Асир тушган коалиция аскарларини эса жаноби маршал "бурнини артиб йиғлаётган аянчли кимсалар" деб заҳарханда қилади.

Холбуки, урушда асир тушиш шундай бир аччиқ қисматки, у ҳар қандай дийдаси қаттиқ одамда ҳам инсоний меҳр-шафқат туйғусини уйғотади. Ўзини инсонпарварлик ва демократия байроқдори деб ҳисоблайдиган газетада шундай гапни ўқигандан кейин киши, ё тавба, бу нашрнинг номи ҳам, моҳияти ҳам ўзгармабди-да, деб юборади.

Қизиғи шундаки, газетанинг шу сонида яна бир жойда "Саддам Ҳусайн бундан уч йил аввал саратон касалидан вафот этган" дейилса, айнан ўша саҳифанинг ўзида "Унинг жонини Оллоҳдан бошқа ҳеч ким ололмайди", деб башорат қилинади.

Американинг "Апач" русумли вертолёти ҳақида батафсил маълумот берар экан, газета ҳеч иккиланмай, унинг схемасини келтириб, бундай жанговар машиналарни ердан туриб қандай уриб тушириш, унинг қаерини мўлжалга олса, қандай шикаст етказиш мумкинлигини эринмай баён қилади.

Чеченистондаги, дунёнинг бошқа жойларидаги террорчи тўдалар бу чизмани кўриб, бу батафсил инструкция билан танишиб, "Комсомольская правда"га раҳматлар айтса ажаб эмас.

Газета Беларусь Президенти А.Лукашенконинг Саддам Ҳусайн тўғрисидаги фикрларига ҳам ўз саҳифаларидан мамнуният билан жой беради. "Саддам бениҳоя жасур, ўз халқини жон-дилидан севган инсон", — дейди Беларусь раҳбари. Унинг айтишича, бордию бу "буюк доҳий" ўз юртига сиғмай қолса, Беларусь уни қучоқ очиб кутиб олишга тайёр экан.

Газетанинг сўнгги сонларида эълон қилинган ажабтовур мақолаларни ўқиб, яна кўп нарсаларни билиб оламиз. Чунончи, америкаликлар Ироқ масаласида бошқача йўл тутган Франциядан хафа бўлиб, француз виноларини ичишдан бош тортаётган, русароғи, немис сосискаларига нисбатан муносабат ҳам ёмонлашиб бораётган эмиш.

"Трудовая Россия" лидери Анпилов эса мазкур газета саҳифалари орқали ўз тарафдорларини "Макдональдс" емакхоналарини нажас билан кўмиб ташлашга, АҚШга тегишли автомашиналарнинг баллонларини бирма-бир тешиб чиқишга даъват этади. Бу ҳам майли, газетхон ҳаммага отнинг қашқасидек таниш бўлган бу "ватанпарвар"нинг Саддам Ҳусайнни "Трудовая Россия"нинг қаҳрамони" ордени билан тақдирлаганини ҳам билиб олади.

Газета саҳифаларида босилаётган бундай пойинтар-сойинтар мақолалар унинг ўқувчиларига қандай озиқ беради — буни англаш ҳам, тушуниш ҳам қийин. Фақат бир нарса аниқки, бу борада "Така бўлсин — сут берсин" қабилида иш тутилаётгани кўриниб турибди.

Ҳаттоки сассиқ така бўлса ҳам.

**А. АҲМЕДОВ.**

## Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 27 кун қолди



**Маълумки, шу йил 24 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлайди.**
**Бугундан бошлаб «Халқ сўзи» саҳифаларида XI сессияда кўриладиган масалалар бўйича, қонун ижодкорлиги жараёни билан боғлиқ, шунингдек, мавжуд қонунлар ижросига доир чиқишларни мунтазам бериб борамиз. Депутатларимиз ва сайловчиларимизни бу борада фаол қатнашишга таклиф қиламиз.**

# ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинган. «Ер Кодекси», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонунлар орқали бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кичик ва ўрта бизнес субъектлари, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди.

Аммо деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга барча иқтисодий, ҳуқуқий асослар яратилганлигига қарамасдан, жойларда уларни ташкил этиш ва ер ажратиш ҳамда ундан унумли фойдаланиш, моддий техникавий таъминлаш, ҳокимият, банк, давлат солиқ идоралари, хизмат кўрсатувчи, таъминотчи ва тайёрловчи корхоналар билан муносабатларни йўлга қўйишда, қонунларга риоя этишда ҳамон жиддий нуқсонлар сақланиб қолинмоқда.

Хўжалик ишларини кўриб чиқиш жараёнида шу нарса маълум бўлаяптики, айрим туман ҳокимиятлари томонидан фермер хўжалиги ташкил этмоқчи бўлган фуқароларга асоссиз равишда ер ажратиб берилмаяпти. Улар йиллаб сарсон-саргардон бўлаётир. Пахта ва ғалла топшириш давлат буюртмалари бажарилмаганлигини рўкач қилиб, ғайриқонуний равишда фермер хўжаликларидан ер майдонлари тортиб олиб қўйилмоқда. Жумладан, Касби туманидаги «Талишбе» ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган А.Гулмуродов фермер хўжалиги ташкил этиш учун ширкат хўжалигига ариза билан мурожаат қилади. Ширкат хўжалигининг 2001 йил 25 февралдаги умумий мажлиси қарори билан унга 14 гектар ер ажратиб берилган. Кейинчалик Гулмуродов фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб, Касби туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Қонун талабларига кўра, ушбу ариза 15 кун муддатда кўрилиб, ҳал этилиши белгиланган. Бироқ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг айби билан уни кўриб чиқиш масаласи 1 йилдан ортиқ муддатга пайсалга солинган. Ниҳоят 2002 йилнинг 12 июнь куни рўйхатга олиш асоссиз равишда рад этилган.

Шунинг учун ҳам Гулмуродов ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат этди. Унинг даъвоси хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди, Касби тумани ҳокими зиммасига фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 майдаги қарори билан Косон туманидаги «Чироқчи» ширкат хўжалиги мулки замирида танлов асосида бир қанча мустақил фермер хўжаликларини тузиш белгиланган. Мазкур ҳужжатга кўра ушбу хўжаликда оила пудрати асосида ишлаб келган ака-ука Ёрқуловлар ҳам фермер хўжалиги тузиш мақсадида танловда иштирок этиб, хўжаликнинг 96 ва 97-контурларидан жами 36,6 гектар ерни ижарага олиш бўйича танлов ғолиби бўлишган. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия томонидан ҳам ушбу танлов натижаси бўйича «Ёрқул ўғли Норқувват» фермер хўжалигига 36,6 гектар ер майдонини ижарага бериш ҳақида хулоса берилган. Бироқ туман ҳокими қарори билан ушбу фермерга ажратиладиган ер майдони асоссиз равишда 5 гектарга камайтирилиб, расмийлаштирилган. Бунинг оқибатида юзага келган низо сабабли фермер хўжалик судига мурожаат қилиб, масалага ойдинлик киритади. Бироқ шунгача эндигина оёққа тураётган фермерлик ҳаракатига озмунча зиён етказилдими? Бу ҳақда ушбу туман мутасаддилари ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Ер майдонини ижарага бериш шартномасини муддатидан олдин бир томоннинг истаги билан бекор қилиш фақат суд орқали амалга оширилиши керак. Амалда эса туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган комиссиялар томонидан фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш аҳволи ўрганилиб, шартномавий режаларини бажара олмаган фермерлар билан ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида хулосалар берилмоқда. Туман ҳокимлари ўз навбатида ушбу хулосаларга асосан ижара шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ҳақида ноқонуний қарорлар қабул қилмоқдалар.

Судлов амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жойларда фермер хўжаликлари тузилишига ширкат хўжалиги раиси ҳамда бошқарув аъзолари кўп ҳолларда хайрихоҳлик билдирмаётирлар. Шундан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларини тузишга ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб турибди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисидаги 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган тартибга мувофиқ ширкат раиси, мутахассислар, фуқаронинг фермер хўжалиги тузиш ҳақидаги аризасини 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиши лозим. Лекин бу тартибга доим ҳам риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Фермер хўжалиги тузмоқчи бўлган фуқаролар аризалари вақтида кўрилмасдан, уларни узоқ вақт сарсон-саргардон қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Бизнингча, фермер хўжалиги тузмоқчи бўлган фуқаролар аризаларини (ер майдони ажратиш тўғрисидаги) кўриб чиқиш вазифаси туман ҳокимликлари қошидаги комиссия зиммасига юкланиши, фермер хўжалиги тузишнинг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилиши вақти келди.

Бундан ташқари, суд амалиёти банк идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга, фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш, уларнинг маблағларини ўз вақтида ўтказиб бермаслик каби иллатлар барҳам топмаганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, У. Юсупов номли ширкат хўжалигидан «Келдиёр» фермер хўжалигига 760 минг сўм ундириб бериш ҳақида суд қарорига асосан «Пахтабанк»нинг Нишон туман бўлимидаги ҳисоб рақамига инкасса талабномаси қўйилган. Лекин банкнинг мансабдор шахслари фермер хўжалигининг қонуний талабини бажариш ўрнига, жавобгардан 61,5 минг сўм пулни банк хизмати учун деб олиб қолишган. Фермер хўжалигининг аризасига биноан вилоят хўжалик судининг аралашуви билан унинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорларга кредитлар беришда ҳам кўплаб муаммолар мавжуд. Айрим банк раҳбарлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги Президентимиз Фармонлари, мавжуд қонунларни инобатга олмасдан, кредит сўраб мурожаат этганларни сарсон-саргардон қилмоқдалар, улардан кераксиз ҳужжатларни талаб этаётирлар, турли хил баҳоналар билан кредит бермаслик пайида бўлмоқдалар.

Нима учун тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, суд ҳамда бошқа идораларга мурожаат этмайдилар ёки аниқроғи камдан-кам ҳолларда мурожаат қиладилар? Бизнингча, уларнинг ҳуқуқий савиясининг пастлиги, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг монопол мавқега эгалиги ҳамда тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги шартнома муносабатларининг бажарилишини назорат қилиш инспекцияси ходимларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганликлари бунга сабаб бўлмоқда.

Бу борада ҳар биримиз қонун билан қуроллансак ҳеч қачон ютқазмаймиз.

**М. НАСУЛЛАЕВ,**
**Қашқадарё вилоят хўжалик суди раиси.**

---

*Кучли давлатдан – кучли жамият сари*

*Ўзбекистонда «Обод маҳалла йили» Давлат дастурининг рўёбга чиқарилиши мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни, илғор урф-одатларимизни авайлаб-асраш соҳасида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган беқиёс хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.*

*Дарҳақиқат, ўзлигини йўқотмаган, турмуш тарзини замонавий ўзгаришларга оқилона мослаштира олган миллат, халқгина жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга ҳақлидир.*

*Маҳалла бундан анча йиллар бурун, ҳали «фуқаролик жамияти», «демократик ҳуқуқий давлат» деган тушунчалар пайдо бўлмасдан аввал, кишиларнинг ўз кундалик ҳаётини ташкил этиш шакли, ўзлигини ифодалаш, яхши яшашга интилиш воситаси сифатида вужудга келган.*

# Маҳалла

## ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми

«Маҳалла» сўзи биринчи марта бундан ўн аср аввал битилган муаррих Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида учрайди. Турли луғатларда бу атамага турли изоҳлар берилган. Лекин уларнинг биронтасида ҳам «маҳалла»нинг тўлиқ маъноси очиб берилмаган. Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиш билан бир қаторда, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир.

Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига монанд равишда маҳалланинг вазифалари ўзгариб турган. Лекин асосийси, у ҳамиша миллатнинг уюшқоқлигини таъминловчи, ўзлигини асровчи маскан бўлиб қолган. Маҳаллада исломий шариат талаблари билан маҳаллий аҳолининг урф-одатлари уйғунлаштирилган.

Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, XIX асрнинг 70-80-йилларида маҳалланинг халқ ҳаётидаги ўрнини эътироф этиб, Тошкент шаҳрида маҳаллалар тўғрисидаги низомлар ва қонун-қоидалар ишлаб чиқилган. Уларга мувофиқ қозилар судлов ишларида танҳо ҳакамлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, бир қози ва уч маслаҳатчидан иборат суд маҳкамаси жорий этилган. Уларни 200 нафар обрўли маҳаллий аҳоли вакиллари ўз ичларидаги бошқа ҳурматли кишилар ичидан сайлаганлар. Маҳкама фақат адлия идораси бўлиб қолмасдан, аҳолидан солиқлар ундиришда адолатга риоя этилишини ҳам назорат қилган. Солиқларни йиғиш вазифаси ҳам халқ сайлаган кишилар – закотчиларга, кейинчалик маҳалла ҳамда маҳкама вакилларидан тузилган ташкилий комиссияга топширилган.

Ўша даврда Тошкент мингбошилар бошчилик қилувчи тўрт даҳага бўлинган. Мингбошилар (улар оқсоқоллар ҳам деб аталган) уч йил муддатга сайланган. Сайлов икки босқичли бўлган. Аввалига ҳар эллик хонадон бир элликбошини, элликбошилар эса қозини ва мингбошини сайлаган. Маҳаллаларга юзбошилар бошчилик қилган, улар тувачи ёки тўғочи (ўрта асрларда Амир Темур пайтида ҳарбий унвонни ёки байроқдорни шундай аташган) деб ҳам номланган. XX аср бошларида Тошкент шаҳрида 280 та маҳалла бўлган. Лавозимлар пиллапоясидан мироблар, ариқ оқсоқоллари, тўғончилар, раислар ҳам ўрин олган. Улар ҳам сайланган ёки халқ вакилларининг розилиги билан вазифага тайинланган. Кўрсатилган лавозимларда ишлаганлар орасида бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари ҳам бўлганлиги эътиборга моликдир. Булар бизда демократик анъаналар, одатлар илдизлари азалдан мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

XX асрнинг бошларида Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳам маҳаллалар мавжуд бўлиб, улар маҳаллий урф-одатлар, тартиботлар асосида фаолият кўрсатган. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида маҳаллалар ҳаётини тартибга солишга уринишлар бўлган. Афсуски, баъзи ҳолларда ва жойларда маҳалла қўмиталари қўни-қўшнилар устидан иғво маълумот тўплаб берувчи НКВДнинг бўлинмасига ўхшаб қолган. Пойтахтимизда очилган «Шаҳидлар хотираси» музейидаги кўплаб экспонатлар ҳам бундан далолат беради.

Демак, маҳалланинг бугунги ҳаётини, фаолиятини ташкил этишда ўтмишнинг аччиқ сабоқларини доимо ёдда тутишимиз, халқимизнинг тарихий тажрибасига суянишимиз, асл манбаларни чуқурроқ ўрганиб, ўзимизга хулоса чиқариб олишимиз керак. Аввало, маҳалла патриархал, ўз умрини яшаб бўлган, одамларга ноқулайлик туғдирувчи ирим-сиримлар, ўринсиз одатларни эмас, балки замонавий тарбия, илғор урф-одатларни жорий қилувчи, ёшларда ўз тақдири ва ўз оиласи учун масъулият туйғусини шакллантирувчи маскан бўлиши лозим. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан яхши биламизки, айрим мамлакатларда ҳатто маълум мавзедаги (квартал, кўча) бир туп дарахтни кесиш ёки эски бинонинг ташқи томонини ўзгартириш ҳам шу масканда яшовчи ҳар бир кишининг ёзма розилиги билангина амалга оширилади. Биз инсон фикрига нисбатан ана шундай муносабатда бўлишни маҳаллада ўрганишимиз зарур. Бинобарин, маҳаллада каттанинг ҳам, ёшнинг ҳам ўз ўрни, ўз овози бўлсагина аҳиллик, якдиллик қарор топади, жамиятда ҳар бир кишининг фикри билан ҳисоблашиш маданияти шакллана боради.

Маҳаллани ҳақиқий тарбия ва инсоний муносабатлар ўчоғига айлантириш учун, бизнингча, ҳар бир маҳаллада ёшларни спорт ва маданий тадбирларга жалб қилиш бўйича педагог-тарбиячи лавозимларининг жорий этилгани айни муддао бўлди.

«Обод маҳалла йили» Давлат дастурининг тўлиқ бажарилиши кўп жиҳатдан маҳалланинг, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг бўлимларининг, маҳалла қўмиталарининг ҳуқуқий мақомини ва ижроия ҳокимият идоралари билан муносабатларининг асосий қоидаларини, ўзаро бурч ва ваколатларни аниқ белгилашга боғлиқ. Акс ҳолда, аҳолининг бирор муаммо юзасидан маҳалла – ҳокимликлар ўртасидаги чархпалак мисоли айланиб, овораю-сарсон бўлиши асло камаймайди.

Маҳалла шароитида ҳар бир шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг, ҳар бир хонадон дахлсизлиги, оилавий сирини сақлаш масаласи ўз долзарблигини йўқотмаяпти. Кўпинча эскича фикрловчи маҳалла оқсоқолининг тазйиқи остида ҳар бир инсоннинг ўзига хослиги, ўз қарашлари, ёндашувлари поймол этилиши, оилавий можароларнинг бутун маҳаллага ёйилиши ҳолатлари учраб туради. Бу борада маҳалланинг вазифаси кишиларни, ёшларни оилавий низоларни кўчага чиқармасдан ҳал қилишга ўргатишдан, масъулият туйғусини сингдиришдан иборат бўлиши керак.

Хуллас, маҳалла жамият ҳаётининг кўзгуси, унинг демократлашуви даражасини кўрсатувчи ўзига хос мезонга айланиши керак. Президентимиз таъкидлаганидек, ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.

**Латиф ҒУЛОМОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

---

## Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уюшма раиси Абдулла Орипов мажлисни очиб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган муҳим янгиликлар ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Миллий Армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” рисоласида қўйилган вазифаларни бажаришда, хусусан, ҳарбий қисмларда, маҳалла ва аҳоли турар-жойларида ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ишларига бағишланган бадиий асарлар яратишда ёзувчиларнинг фаол иштирок этиши зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокама қилинган масалалар ҳамда “Обод маҳалла йили” дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда ижодкорларнинг роли хусусидаги фикрларини баён этдилар, таклифлари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, болалар спорти, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида бадиий асарлар яратиш бўйича уюшма олдида турган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Сирожиддин Саидов Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Минҳожиддин Ҳожиматов раис ўринбосари этиб тайинланди, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррирлигига Мурод Абдуллаев тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев иштирок этди.

(ЎзА).

## «Карбонам» буюртма олди

Карбоксилметилцеллюлоза нефть ва газ саноати учун зарур хомашё. Уни ишлаб чиқариш қайта тиклангач, Наманагандаги “Корбонам” ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти анча жонланди. “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси буюртмасига биноан АҚШнинг “Евроинтер” корпорацияси ҳамкорлигида тайёрланган КМЦнинг дастлабки тонналари буюртмачиларга жўнатилди.

Технологик линия замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангандан сўнг корхона қуввати янада ортди. Жумладан, шу йилнинг охирига қадар қарийб бир ярим минг тонна маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

**Қ.НАЖМИДДИНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

---

*Пойтахтимиздаги Байналмилал маданият марказида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Анжуман республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Ўзбекистон Фанлари академияси, Дин ишлари бўйича қўмита ва республика Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, миллий-маданий марказлар раислари, олимлар ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.*

## Илмий-амалий анжуман

Конференцияни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Караматов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов ўз маърузасида юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Айни пайтда мамлакатимизда 136 миллат ва элат ҳаёт кечирмоқда. Республикамизнинг турли минтақаларида 130 дан зиёд миллий-маданий марказ, 16 конфессияга мансуб 2104 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Байналмилал маданият маркази директори Т.Алимов халқлар дўстлиги, турли миллатлар тотувлиги юртимизни обод этишда муҳим омил бўлаётганлиги тўғрисида сўзлади.

Анжуманда фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий-маданий марказларнинг ўрни, диний ташкилотларнинг конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва фуқаролараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалари каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, ёшларимизни маънавий жиҳатдан соғлом, турли экстремистик оқимларнинг таъсирига тушмайдиган, сиёсий етук, мустаҳкам эътиқодли кишилар қилиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Анжуман қатнашчилари бугунги таҳликали кунда халқаро терроризм ва диний экстремизм томонидан содир этилаётган ҳаракатларни қораладилар. Бу борада Президент Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат қўллаб-қувватланди.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сиёсий партиялар фаолиятига бағишланади

Жорий йилда Конрад Аденауэр фонди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда республикамизнинг барча вилоятларида “Демократия шароитида ҳокимиятнинг бўлиниши, сиёсий партиялар ва парламентнинг роли” мавзусида семинарлар ўтказишни режалаштирган.

Ана шундай мавзудаги семинар Урганч шаҳрида иш бошлади.

Маълумки, мамлакатимизнинг икки палатали парламентга ўтиши кутилмоқда. Бу ишга тайёргарлик жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва вазифалари, улар фаолиятига кўмаклашиш каби масалалар семинар мавзуси бўлди.

Ушбу семинарда Конрад Аденауэр Фондининг Марказий Осиё бўйича минтақавий мухтор вакили Томас Кунце, сиёсатшунослар Анна Мария Кессер, М. Ельшов ва бошқа таниқли мутахассислар, сиёсий партиялар вакиллари, шунингдек, журналистлар иштирок этмоқдалар.

**О. РАҲИМОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

---

# Кўкламни шоширган кишилар

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўтган йили аксар майдонларимизга мартнинг дастлабки ҳафтасида чигит қадаган эдик, — дейди «Заркент» жамоа хўжалиги бош пудратчиси Эгамберди Раҳмонов. — Ёғингарчилик кўп бўлганлиги учун чигит тупроқ остида чириб қолди. Натижада қайта экишга тўғри келди. Андижон вилоятининг Бўз туманига тажриба алмашгани борганимизда капсулланган чигит ҳақида гап кетди. Бу айнан бизнинг шароитимизга мос экан. Шунинг учун ҳам бу йил хўжалигимизда 35 гектар майдонга кўкламнинг дастлабки кунларидаёқ плёнка остига қўрқмасдан уруғ ташладик. Энди унча-мунча намгарчилик, ёғингарчилик хавф солмайди.

Бу йил тошлоқликлар жами экин майдонининг 70 фоизига, яъни 300 гектар ерга Андижон усулида чигит қадаш, майдонларнинг 1000 гектарига эса капсулланган барака уруғи қадашни кўзлашмоқда. Ҳозиргача бу ишнинг тенг ярми уддаланди.

— Плёнка остига чигит экишнинг самараси катта экан, — дейди «Оқ олтин» жамоа хўжалиги пудратчиси Жаннатхон Ғафурова. — Ўтган йили 4,5 гектар майдонга март ойининг биринчи ўн кунлигида уруғ қадаган эдик. Августнинг дастлабки ўн кунлигида теримга киришдик. Сентябрь ойидаёқ шартнома режаларини уддалаб, ҳосилни саранжомлаб олдик. Ҳар гектар ердан 100 минг сўмдан соф даромад олдик. Шу билан бирга 217 минг сўм қўшимча иш ҳақи ҳам оладиган бўлдик.



Мана, ҳисоб-китоб қилиб кўринг. 4,5 гектар майдон битта оилага салкам 1 миллион сўм соф даромад олиб келяпти. Бу йил эса экиш мавсумини ўтган йилга нисбатан бир ҳафта олдин бошладик. Кўклам бизни эмас, биз кўкламни шоширдик. Айрим ерларга нам кўтарилмаганлиги учун плёнка тортиб, ерни қизитиб, сўнгра капсулланган чигит ташладик. Ўтган йили баъзи майдонларни бегона ўт босиб кетгани боис, бу сафар плёнка остини гербицид билан ишлаб чиқдик. Энди бегона ўтга ҳам қирон келади. Ғўзанинг «насиба»сига шерик бўлмайди.

Капсулланган чигит экиш янгилик. Унинг афзаллигини туман деҳқонлари яхши англаб олишди. Чунки ернинг етилиши, қизишини кутиб ўтирмай тупроққа уруғ қадалаверади. Чигит қобиғидаги чиринди, минерал тузлар биостимулятор вазифасини ҳам бажаради. Тупроқдаги ҳарорат 9-10 даражада бўлса ҳам чигит тез ва бехато униб чиқиши тажрибадан ўтган.

Тумандаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигида бу йил 333 гектар майдонда деҳқончилик қилиш режалаштирилган. Шунинг 300 гектарига плёнка остига барака уруғи қадалади. Ўтган йили Назиржон Умаров бош бўлган пудрат жамоасида 6 гектар майдонга экилган чигит нам юқори бўлганлиги учун чириб қолиб, апрель ойининг ўрталарида такроран қадалганди. Бу йил ҳам тупроқдаги намлик ҳолати ўтган йилдагидек. Лекин қўрқмасдан гербицид аралашмалари сепилиб, йиллик солинадиган ўғит миқдорининг 60 фоизи ерга солинган ҳолда капсулланган уруғ қадаляпти. Бош пудратчининг ишончи қатъий. Бу йил ўтган йилги хато такрорланмайди. Ерга уруғ қадашда қўшни Андижон вилоятининг Бўз туманидан ташриф буюрган деҳқонлар кўмак беришди.

Тошлоқлик деҳқонлар шу ой ичи асосий майдонларга плёнка остига чигит экишни туғаллаш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Ҳозир далаларда 43 та экиш сеялкаси икки сменада ишлатиляпти. Барча майдонларга чигит гербицид билан экиляпти. Андижонликлар тажрибаси асосида 2 минг гектар майдонга қўшқаторлаб чигит экиш режалаштирилган. Бунда ҳар гектар майдонда 180-185 мингтадан кўчат сақланиб, ҳосилдорлик 30-40 фоизга етиши мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Кекса деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажоновнинг таъкидлашича, туман далаларидаги бугунги қизғин меҳнат, тракторлар суронини илгарилари апрель ойининг адоғида кузатиш мумкин эди. Ўша йиллари кўклам забтига олиб, деҳқонни шошириб қўярди. Энди эса деҳқон ўзининг азми-қарори, интилиши, ғайрати билан кўкламни шоширяпти.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎНГ ҚЎЛИМДА РЎЗҒОРУ, ТИЗЗАМДА...

*Яқинда майда-чуйда юмушларни баҳона қилиб, тўрт нафар аёлни уйга бошлаб келдим. Уларга ярим кунлик хизматлари учун 500 сўмдан тўлашга келишдик. Ичкарига киришгач, аёллар эски-туски кийимларини кия бошладилар.*

*— Шошманглар, — дедим, — аввал чой-пой ичиб олайлик. У ёғи бир гап бўлар.*

*Улар рози бўлишди. Шундай қилиб, мен гурунгга чўғ ташладим. Аввалига қовушмаган суҳбат сал ўтиб, қизиб кетди.*

— Оилада олти жонмиз, — дейди бухоролик аёл, — Эрим, қайнонам, уч фарзандим. Турмуш ўртоғимнинг топиши яхши эмас. Заводда ишларди, бир неча бор ичиб қўлга тушгани учун ишдан четлатишди. Ёнимиздаги мактабга қоровулликка ўтди, у ердаям маст ҳолда ножўя ишлар қилган экан, бўшатишди. Устачилик қўлидан келади. Таъмирлаш ишлари асосан баҳордан бошланиши сабабли қишда менинг рўзғор учун югуришимга тўғри келди.

— Бир ойда қанча топасиз?

— Ҳар хил, баъзан ҳеч нарса, баъзан тузукроқ. Юмушларнинг қанақалигига боғлиқ.

— Шу юмушларни Тошкентдан излаш шартмикан, турар жой, еб-ичиш муаммолари бор.

— Ҳозир шаҳар аёлларининг аксарияти уйда кам бўлишади. Рўзғор ишлари, кўрпа-ёстиқ қавиш, уй кўтариш, тўй юмушларида кўплаб хонадон аёллари оғирини енгил қилиш учун муҳтожлик сезишади. Бунинг нимаси ёмон? Ўғрилик — айб, меҳнатнинг айби йўқ.

— Биз оилада тўрттамиз. Икки фарзандим ва онам. Турмуш ўртоғим вафот этган, — суҳбатга қўшилди иккинчи аёл. — Маълумотим ўрта. Аввалига ҳунар билан шуғулланмоқчи бўлдим. Соғлиғим тўғри келмади. Ширкат хўжалигимиздаги иссиқхонада ишлаб юргандим. Иссиқхона раҳбари билан муросамиз келмай қолди. Турли баҳоналар билан мени ишдан четлата бошлади. Биласиз, қишлоқда баъзилар оёғи билан эмас, тили билан юради. Ўзим ҳақимда гап-сўзлар қулоғимга чалиниши билан ишдан бўшадим. Болаларимга боқувчисини йўқотганлик нафақасини оламан. Онам пул оладилар. Лекин мен ишламасам, бу маблағ етмайди. Туман боғчаларидан бирига идиш-товоқ ювувчи бўлиб жойлашдим. Лекин буям узоққа бормади. Боғча раҳбарлари маҳсулотларни челак-челак уйларига ташишарди. Гўёки қолган-қутганни чорвага олиб кетаётгандай. Ювинди аралаш қотган нону пўчоқларни олишим уларга ёқмади. Бир йил ишлаб, ишончни оқлаганларгина уйларига пўчоқ олиб кетишга ҳақли эмиш. "Сизларда пўчоқчалик қадр йўқ экан-ку", дегандим, кетишимни илтимос қилишди.

— Хўш, ҳозирги ишда қандай қадр топаяпсиз? — сўрайман Фотимадан.

— Тўғри, ҳалол меҳнат қилсангиз, одамлар барибир қадрингизга етишади. Яхшилар кўп ёмонлардан. Мен эркинман. Ҳеч кимга боғлиқ ёниб қисиқ жойим йўқ. Болаларимнинг ризқини ҳалол териб юрибман.

Нуқтаи назар

— Сиз шу қадрни топибсиз-ку, мен умуман топмадим, — дейди 50 ёшларга бориб қолган қорамағиз, озғин аёл. — Тўғрисини айтсам, уйдан шу томонларга шунинг учун қочиб келдим. Эр — номига бор. Ўзи топмагани етмагандек, менинг топганимни ҳам минг жанжал билан бир-бир санаб олади. Ҳа, майли, вақтида топган, кези келади, яна топар дейман. Бир йил ўтди, икки йил ўтди. Бу кишим икки қўл бўм-бўш кириб-чиқадилар.

Эрим бир вақтлар ўқитувчи бўлган. Бу замонда эркак ўқитувчилик қилса, ярашмайди, деб ишдан бўшади. 5-6 сўм қарз олиб, ўзини тижоратга урди. Савдониям эплаган қилар экан. Фойда ўрнига зарар кўрди. Ижарага машина олиб, таксичилик қилди. Кўп ўтмасдан кўз нури хиралашиб, дўхтирлар машина ҳайдашни ман этди. Мактабга қайтмоқчи бўлди. Халқ таълимидагилар бир неча ой малакангизни оширсангиз, қайта қабул қиламиз, дейишди. Унгаям қўл силтади. Уй аёлни кўтаради, эркакни асло. Эрта қариган, асабий, мижғов бир чолга айланди у. 4 бола, ҳаммаси етилиб келаяпти. 3-4 йил илгари мен тижоратга киришдим. Худога шукур, бинойидек фойда туша бошлади. Рўзғоримиз бут бўлди. Бир ногирон укам бор. Онам билан яшайди. Унинг доридармонига 3-4 сўм қарашгандим, эрим сезиб қолиб, қилди тўполонни. Онамникига умуман юбормай қўйди. Ўғринча борадиган, ими-жимида қарашадиган бўлдим. Топаётган ҳар сўмимни темир дафтарига ёзиб борди эрим. Вазият оғирлашди. Уйда уруш-жанжал кучайди. Барака кетди. Ахийри бўлмади. Тижоратни йиғиштирдим-да, икки кенжамни онамнинг ёнига қўйиб, Тошкентга қочдим. Ҳозир топганимни болаларимга ва онамга ташлаб келаман. Эрим қоровуллик қилиб кун кўряпти. Энди менга онанг, уканг, демайди. Ўзинг соғ эмассан дейди. Худо билади дейману, парво қилмайман.

— Турмуш ўртоғингиз туман ҳокимиятидан иш сўрамадими?

— 3-4 ой деганда икки иш жойини тавсия этишди. Маоши оз эди, маъқул бўлмади.

— Сиз узоқдасиз. Тўнғичингиз тарбияси бузилишидан чўчимайсизми?

— Тўнғичим янаги йили томорқага картошка экиб, сотмоқчи. Оз қолди, онажон, мен ёнингизга кираман, дейди. Инсофини берсин.

35 ёшлардаги рангпар, аммо кўҳликкина аёл гап бошлайди.

— Менинг хўжайиним хотинлар билан юришни яхши кўради. Икки болани ота-онамга қўйиб, туркиниям кўрмайин деб, шу ерларда ишлаяпман.

Шу пайт қизим буғи кўтарилиб турган ош олиб кирди.

— Ие,ие, ишламасдан ош еса ҳам бўларкан-ку,— кулади Фотима опа.

— Баъзан бўлади,—дейман,— Қани олинглар!

Ошдан сўнг келишилган пулни аёллар олишмади. Уларни кузатиб, ўйланиб қолдим: майли, аёл заифа, улар гоҳо ақлдан кўра ҳиссиёт билан иш кўрадилар, лекин эркакларимиз-чи?

Сиз нима десангиз денг-у аёлларнинг жони қирқталиги рост. Аммо аёлнинг, юқоридаги мисоллардагидек, малоҳату нафосатини бой бериш эвазидаги фидойилиги бизнинг шарқона удумларимизга уйғун эмас.Бунинг олдини олиш учун юртнинг уйғоқ эркаклари кўп. Маҳаллий ҳокимиятлардаги алпмонанд эркакларимиз ҳудудларидаги ишсиз, ҳимояга муҳтож аёлларни қўллаш — ўз аҳли аёлини қўллаш билан баробар эканлигини англайдилар. Бор имкониятларни ишга солиб, ёнгиналарида яшаётган опа-сингилларининг ҳимоясини кучайтирадилар.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**





*Ўз гўзаллигини кун сайин кўз-кўз қилаётган Наврўз айёми диёримизни янада яшнатмоқда, яшартирмоқда. Унинг тантаналари эса юртимизнинг ҳар бир гўшасига кириб бориб, авж пардаларга кўтарилмоқда.*

*Қутлуғ тўйи арафасида янада обод бўлиб бораётган Нукус шаҳрида ҳам Наврўз байрами миллий ўйинлару томошаларга бойлиги, кечаги ва бугунги кунимизни халқона оҳанглар, гўзал рақслар ва саҳна кўринишларида мазмунли ифода этганлиги билан тантана қатнашчиларига олам-олам завқ, шодлик бахш этди.*

**Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳалари.**

## Оилаларга ғамхўрлик

***Ромитан туманидаги «Ҳазорбоғ» қишлоқ фуқаролар йиғинида оилаларни ижтимоий ҳимоялаш маркази очилди. Унинг вазифаси ишсиз аёлларни иш билан таъминлашдан иборат.***

***— Асосий эътиборни кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларга тикувчи-бичувчилик ҳунарларини ўргатишга қаратяпмиз, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Эргашева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Айни пайтда ўн беш нафар хотин-қиз ҳунар ўрганди. Туман меҳнат ва иш билан бандлик бўлими уч ой мобайнида уларга стипендия тўлайди.***

***Р. Эргашевнинг таъкидлашича, хотин-қизларни ўқитиш билан биргаликда тикувчилик цехи ҳам очилмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини бунинг учун бино ажратди. «Дилором» фермер хўжалиги эса ускуналар билан таъминлади.***

## БРЕМЕН ЎЛКАСИДА – НАВРЎЗ

Наврўз — баҳор байрами Бремен шаҳрида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси, ушбу ўлка пахта биржаси ва "Ўзбекистон-Бремен" дўстлик жамияти томонидан ташкил этилиб, кенг нишонланди.

Байрам тадбирида Германия ҳукумати, мамлакат парламенти вакиллари, журналистлар, шунингдек, Бремен олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Германия маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари ҳамда бир пайтда "Ўзбекистон-Бремен" дўстлик жамиятининг президенти Э.Мочман ва Бремен ўлкаси пахта биржаси бош директори Р.Вельман йиғилганларни байрам билан табриклашди. Нотиқлар ўз сўзларида ҳозирда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши, келгусида узоқ муддатли ва катта имкониятга эга бўлган истиқболларга қаратилганлигини таъкидладилар.

Ака-ука Гриммлар туғилган Бремен шаҳри марказида Наврўзнинг нишонланиши ўзбек маданияти ва унинг тарихий бой меросига бу ерда қизиқиш катта эканлигини кўрсатди.

Байрамда Ўзбекистонда Наврўз байрамининг тарихи ва унинг нишонланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Аслам АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА**
**Бремен**


САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ СИЗГА МУНТАЗИР!

**Ички истеъмол бозорини янада тўлароқ тўлдириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг республика минтақавий бозорларига кириб боришга кўмаклашиш, улгуржи савдо корхоналарининг ҳудудлар бўйича бир текис жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 4 февралда «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 62-сонли қарор қабул қилганидан хабардорсиз, албатта. Мазкур қарорга мувофиқ, янги ташкил этилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан улгуржи савдони амалга оширувчи базаларнинг асосий вазифаси тегишли минтақада истеъмол бозори конъюнктурасини ўрганиш ва харид талаби хусусиятидан, минтақанинг муайян ассортиментдаги товарларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналарига тавсиялар бериш, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш ва турларини келишиб олиш, товарларни ўз омборларига ўз вақтида ташиб келтириш, чакана савдо тармоғи корхоналарини товарлар билан бир маромда таъминлаш учун кенг ва барқарор ассортиментдаги маҳсулотларнинг зарур заҳираларини яратиш ва бошқалардан иборат.**

**Янги ташкил этилган улгуржи савдо базаларида бугунги кунда қуйидаги товарлар мавжудлигини маълум қиламиз.**

*«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ: ип газламалар, тайёр кийимлар, трикотаж буюмлар, бош кийимлар, пайпоқлар, тўқима атторлик буюмлари, чинни буюмлар, гилам ва гилам маҳсулотлари, спорт товарлари ва бошқа товарлар;*

*«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ: ипак газламалар, ип газламалар;*

*«ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ» УЮШМАСИ: эркаклар, аёллар, болалар пойабзали, спорт товарлари;*

*«МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» КОМПАНИЯСИ: тикувчилик маҳсулотлари, трикотаж буюмлар, ип газламалар, гилам ва гилам маҳсулотлари, спорт товарлари ва бошқа буюмлар.*



**Ҳукумат қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи улгуржи базаларнинг рўйхати**

| База номи | Раҳбарнинг исми-шарифи | Манзил | Телефон рақами |
|---|---|---|---|
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** «Нукусозиқовқатсавдо» ШҲЖ | Токимбетов У.А. | Нукус ш., Бердақ кўчаси, 6-уй | 223-73-13 |
| **АНДИЖОН** «Андижонгўштсутсавдо» ОАЖ (унив.база) | Осмонов Б.О. | Андижон ш., «Чинобод» кўчаси | 91-12-46 |
| **БУХОРО** «Бухорогазмол» СИЧК | Нажметдинов Б.К. | Бухоро ш., С.Муродова кўчаси, 3-уй | 23-24-13 |
| **ЖИЗЗАХ** «Кийим» ОАЖ | Шерназаров С.М. | Жиззах ш., «Саноатзона» «А», «Аккумуляторная» кўчаси | 6-45-54 |
| **ҚАШҚАДАРЁ** «Қашқадарётижоратсавдо» МЧЖ СК | Аҳмедов Н.А. | Қарши ш., Насаф кўчаси, 69-уй | 7-69-51 |
| **НАВОИЙ** «Навоийозиқовқатсавдо» ШҲЖ (унив.база) | Каримов О.Р. | Навоий ш., Спутник қўрғони | 5-43-22 |
| **НАМАНГАН** «ЎзНам С» МЧЖ | Тўрахонов К. | Наманган ш., Охунбобоев кўчаси, 68-«А» уй | 6-77-76 |
| **САМАРҚАНД** «Маданий моллар» ОАЖ | Раҳимов П.Р. | Самарқанд ш., Свиридевский кўчаси, 60-уй | 33-36-05 |
| **СИРДАРЁ** «Сирдарёгўштсутсавдо» ОАЖ (унив.база) | Маҳмудов А.Х. | Гулистон ш., «Строитель» кўчаси, 1-уй | 26-45-51 |
| **СУРХОНДАРЁ** «Термиз Шарбат» ШК | Норқобилов Э.О. | Термиз ш., А.Ҳидоятов кўчаси, 1-уй | 2-44-88 |
| **ФАРҒОНА** «Қўқон хўжалик моллари» МЧЖ | Абдуллаев Л.Х. | Қуқон ш., «Шохруҳобод» кўчаси, 27-уй | 3-00-02 |
| **ХОРАЗМ** «Хоразмгўштсутсавдо» ОАЖ филиали | | Шовот ш., «Гулзор» кўчаси, 15-уй | 5-53-54 |
| **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** «Марказозиқовқатсавдо» ШҲЖ | Отахонов И.П. | Тошкент ш., Ҳамза тумани, «Толариқ» кўчаси, 26-уй | 96-33-52 |
| «Газмол» СОАЖ | Юлдашев Ф.Қ. | Тошкент ш., Яккасарой тумани, «Қушбеги» кўчаси, 20-«А» уй | 50-01-82 |
| «Жиҳоз» ОАЖ | Раҳимов Ш.Х. | Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уй | 48-76-14 |

7061/611


**Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси (Сорос жамғармаси) томонидан қўллаб-қувватланган жиноятчилик бўйича гумон қилиниб ушланган ҳар бир шахс ва унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар кечаю кундуз гумондор ушланган пайтдан бошлаб ҳуқуқий ёрдам олиш учун Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати адвокатларига мурожаат қилишлари мумкин бўлган лойиҳа Тошкент шаҳрида ўз ишини бошлади.**

**Танланган адвокат билан маблағ йўқлиги сабабли битим тузила олинмаса, у ҳолда ҳуқуқий ёрдам тўлови уч кеча-кундуз давомида грант ҳисобидан, ундан кейин эса — давлат ҳисобидан амалга оширилади.**

Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси ва Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъатининг

### «ГУМОНДОРНИ УШЛАНГАН ПАЙТИДАН БОШЛАБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ»

лойиҳаси бўйича ишлайдиган адвокатлари рўйхати

| Т/р | Адвокатнинг фамилияси, исми-шарифи | хизмат телефони | уй тел./уяли тел. |
|---|---|---|---|
| 1. | Иргашева Максуда | 55-86-24, 55-89-50 | 74-04-13/104-75-61 |
| 2. | Турсиметов Туламат Хаитваевич | 55-86-24, 55-89-50 | 47-29-80/127-54-44 |
| 3. | Шабрин Юрий Юрьевич | 55-86-24, 55-89-50 | 66-21-66/186-56-33 |
| 4. | Пенских Владимир Петрович | 55-86-24, 55-89-50 | 191-71-92 |
| 5. | Эшметов Алишер Рискалиевич | 55-86-24, 55-89-50 | 191-22-25 |
| 6. | Юсупов Аброр Адилович | 42-48-50 | 144-75-28, педж. 088(1236) |
| 7. | Рахматуллаев Рустам Кудратович | 42-48-50 | 40-05-90, педж. 067(2533) |
| 8. | Абдусаломов Носирдин | 42-48-50 | 76-75-65 |
| 9. | Абдуллаев Илхом | 42-48-50 | 29-31-15 |
| 10. | Комолова Назира Эргашевна | 42-48-50 | 47-62-74 |
| 11. | Махкамов Абдухалил | 77-49-76 | 170-58-95 |
| 12. | Файзиев Шухрат Джалилович | 77-49-76 | 76-52-52/101-35-80 |
| 13. | Петров Евгений Алексеевич | 77-49-76 | 74-51-57 |
| 14. | Сагатходжаева Зухра Махмудовна | 77-49-76 | 76-39-02 |
| 15. | Рамазанова София Фагимовна | 77-49-76 | 93-49-12 |
| 16. | Мирсаатов Мирабит Пулатович | 77-49-76 | 47-85-01/111-06-41 |
| 17. | Свиридова Ирина Александровна | 34-75-58, 34-85-84 | 34-32-72 |
| 18. | Абирова Зухра Аблямитовна | 34-75-58, 34-85-84 | 51-18-04 |
| 19. | Томаков Абдукарим Абдувалиевич | 34-75-58, 34-85-84 | 35-21-23 |
| 20. | Дейхина Ирина Павловна | 34-75-58, 34-85-84 | 66-05-61 |
| 21. | Султанов Омон Сардорович | 55-72-50 | 78-47-11 |
| 22. | Бессонов Владимир Семенович | 55-72-50 | 75-02-98 |
| 23. | Брагина Олеся Юрьевна | 55-72-50 | 191-55-17 |
| 24. | Ниязова Севара Михманалиевна | 55-72-50 | 53-70-69 |
| 25. | Исакова Зарема Абдуллаевна | 76-86-02 | — |
| 26. | Яхъяева Малика Гулямовна | 76-86-02 | 40-54-85 |
| 27. | Ҳасанова Мухтабар Илҳомовна | 76-86-02 | 53-74-13/184-06-02 |
| 28. | Мелкумян Роберт Грантович | 41-87-51 | 77-39-21 |
| 29. | Буркачева Лариса Борисовна | 41-87-51 | 53-84-06 |
| 30. | Шарипов Толиб Аманович | 41-87-51 | 40-54-95 |
| 31. | Клачкова Светлана Владимировна | 41-87-51 | 152-30-90 |
| 32. | Пронина Елена Васильевна | 41-87-51 | 64-59-81 |
| 33. | Юсупова Гульшода Исмаилжановна | 67-95-04 | 67-33-42 |
| 34. | Кенжимуратова Мадина Жумабаевна | 67-95-04 | 161-02-52/186-04-79 |
| 35. | Жемгуразов Тимбот Арсенович | 67-95-04 | 34-59-85 |
| 36. | Гончарова Татьяна Михайловна | 136-13-27 | 68-17-59 |
| 37. | Юлдошев Мамуржон Суробжонович | 136-13-27 | 96-39-10 |
| 38. | Козьмиди Евстафий Иванович | 136-13-27 | 116-80-16/185-11-20 |
| 39. | Кузиева Норимхол Алламурадовна | 136-13-27 | 76-81-82 |
| 40. | Мазбудова Малика Махсудовна | 136-13-27 | 34-63-21/187-96-98 |
| 41. | Маматкулов Урал Эрджигитович | 136-13-27 | 63-31-77 |
| 42. | Махмудова Хидоят Ходжиевна | 136-13-27 | 137-01-57 |
| 43. | Муратова Малахат Рахмоновна | 136-13-27 | 116-49-65, педж. 088(9663) |
| 44. | Мирсалимов Камолитдин | 41-87-51 | 162-85-63 |
| 45. | Ахмедянова Лилия Ильясовна | 41-87-51 | 24-98-43 |
| 46. | Курбонмуродов Алланиёз Эшмаматович | 42-48-50 | 58-64-95 |
| 47. | Абдуссатаров Абдугаффар Каххорович | 42-48-50 | педж. 088(2445) |
| 48. | Расулова Дилором Мирахиловна | 42-48-50 | 42-86-06 |
| 49. | Пирмухамедов Боходир Шадиевич | 35-16-69 | 40-33-93 |
| 50. | Файзуллаева Мухаббат Камаловна | 136-13-27 | 74-79-91/108-05-23 |

Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси: Гулнора Ишанханова   Телефонлар: 133-71-80, 136-27-86.

7093/656

